

**Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадасини  
ташқил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Мазкур Низом мулкчилик шаклидан қатъи назар умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида халқаро миқёсда ўтказиладиган Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадасини (кейинги ўринларда - Халқаро олимпиада) ташқил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Халқаро олимпиада ноябрь ойида Фарғона вилоятида анъанавий тарзда ташқил этилади ва ўтказилади.

Халқаро олимпиада навбат билан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ўтказилиши мумкин.

Халқаро олимпиада ўз веб-саҳифасига эга бўлади ва онлайн тарзда ўтказилиши мумкин.

**2-боб. Халқаро олимпиаданинг мақсади ва вазифалари**

Халқаро олимпиаданинг мақсади қуйидагилардан иборат:

буюк аجدодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш;

иктидорли ўқувчиларнинг хорижий мамлакатлардаги тенгдошлари билан соғлом ва дўстона рақобат қилиш муҳитини яратиш, уларда халқаро олимпиадаларда муваффақиятли қатнашиш кўникмасини мустаҳкамлаш;

ўқувчи-ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини халқаро даражада намоён қилиш;

ўқувчиларнинг физика фанини чуқур ўрганишга қизиқиш ва интилишларини ошириш.

Халқаро олимпиаданинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

республика таълим муассасаларида физика фанини замонавий талаблар даражасида ўқитишга эришиш;

физика фани бўйича қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш тизимини яратиш;

физика фани бўйича қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларнинг

халқаро майдонда билимларини намоёиш этишига кўмаклашиш;  
физика фани ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш,  
уларнинг халқаро даражадаги тажрибани ўзлаштиришига имконият яратиш;  
иқтидорли ёшларнинг Халқаро олимпиадада эришган натижаларини  
жаҳондаги тенгдошлари орасида тарғиб этишни янада кучайтириш.

### **3-боб. Халқаро олимпиадани ўтказиш тартиби**

Халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Республика ташкилий қўмитаси тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Халқаро олимпиада 15-18 ёшдаги (*Халқаро олимпиада иштирокчилари олимпиада ўтказиладиган ойга қадар 15 ёшдан кичик ва 18 ёшдан катта бўлмаган*) иштирокчилар ўртасида ўтказилади.

Халқаро олимпиада терма жамоа аъзолари онлайн тартибда рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказиш Халқаро олимпиада бошланишидан 15 кун олдин тўхтатилади.

Халқаро олимпиадада олий таълим муассасаларида таълим олувчилар иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Халқаро олимпиада икки турда ўтказилади:

1-тур ёзма иш шаклида ўтказилиб, 3 та топшириқ берилади ва ҳар бир топшириқ жавоблари максимал 10 баллдан баҳоланади (жами 30 балл).

1-тур топшириқларини бажариш учун 3 соат вақт ажратилади;

2-тур амалий (лаборатория) иш шаклида ўтказилиб, 1 та топшириқ берилади ва натижалар максимал 30 балл билан баҳоланади. 2-тур топшириқларини бажариш учун 2 соат вақт ажратилади.

Жами икки тур учун максимал балл 60 баллни ташкил қилади.

Халқаро олимпиадада иштирокчи ва терма жамоа раҳбарлари ҳар бир иштирокчи давлатларнинг жамоалари таркиби 4 нафар иштирокчи ва 2 нафар жамоа раҳбаридан иборат бўлади.

Халқаро олимпиадага тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар масъул ижрочиларнинг маблағлари, давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, халқаро олимпиада иштирокчиларининг келиш ва кетиш ҳаражатлари - юборувчи давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Халқаро олимпиада якунида голиблар аниқланади ва голиблар сони жами иштирокчиларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган қисмини ташкил этади. Халқаро олимпиада голибларига олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда тегишли дипломлар топширилади. Медаллар сони мос равишда 1:2:3 нисбатда тақсимланади.

Халқаро олимпиада иштирокчиларнинг синов-топширик ишларини терма жамоа раҳбари ҳимоя қилади ва ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

Ташкилий қўмита Халқаро олимпиадага тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш доирасида ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайди, ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди, олимпиада топшириқларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланишини, уларнинг ҳар бир жамоа раҳбари томонидан махфийлик шартларини таъминлаган ҳолда ўз тилига таржима қилинишини ташкил этади, баҳолаш мезонларини ва якуний натижаларни чиқариш тартибини тасдиқлайди.

Ҳакамлар ҳайъати Халқаро олимпиада топшириқларини халқаро олимпиадаларда қабул қилинган стандартларга мазмунан мос келишини ҳамда мураккаблигига қўйиладиган талаблар даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Ҳакамлар ҳайъати Халқаро олимпиададаги топшириқларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари ҳамда адолат тамойиллари асосида баҳолайди.

Халқаро олимпиада жараёнида планшет, телефонлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Акс ҳолда иштирокчи ҳакамлар ҳайъати қарори билан олимпиададан четлаштирилади. Бу ҳақида тегишли далолатнома тузилиб, ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

#### **4-боб. Ҳакамлар ҳайъати**

Халқаро олимпиада голибларини аниқлашда холислик, одиллик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида 15 нафар тажрибали хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъати тузилади ва ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

Ҳакамлар ҳайъати олимпиаданинг барча турларини ўтказиши.

Ҳакамлар ҳайъати ўзининг аъзолари орасидан ҳакамлар ҳайъати раисини сайлайди.

Ҳакамлар ҳайъати қўидаги вазифаларни бажаради:

а) иштирокчилар томонидан бажарилган ишларни тасдиқланган

баҳолаш мезонлари асосида текширади, жамоа раҳбарлари билан келишган ҳолда баҳолайди;

б) Халқаро олимпиада якунлари юзасидан белгиланган тартибда қарор матнларини тайёрлайди ва расмийлаштиради;

в) Халқаро олимпиада натижаларини олимпиада қатнашчилари ва жамоа раҳбарлари иштирокида эълон қилади;

г) Халқаро олимпиада натижалари ҳақида ташкилий қўмига батафсил ҳисобот беради ва зарур ҳужжатларни тақдим этади.

### **5-боб. Аудитория кузатувчилари**

Аудитория кузатувчилари қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) тегишли фан бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоларини олимпиада ҳужжатлари билан таништиради;

б) халқаро олимпиада жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаган иштирокчиларни далолатнома тузиб, олимпиада жараёнидан четлаштиради ҳамда далолатномани ташкилий қўмига топширади.

### **6-боб. Халқаро олимпиада ғолибларини тақдирлаш**

Халқаро олимпиада ғолиблари ва совриндорлари ташкилий қўмига томонидан олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланади.

### **7-боб. Якуний қоидалар**

Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## **БИРИНЧИ КУН**

Меҳмонларни кун давомида И.Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг VIP ва SIP залларида кутиб олиш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш

## **ИККИНЧИ КУН**

- 
- 
- 05.30-06.00 Меҳмонхонада нонушта
- 06.00-07.00 - Тошкент шаҳридаги темир йул вокзалидан олимпиада иштирокчиларини Фарғона вилоятига кузатиш
- 13.00-14.00 - Тушлик
- 14.00-16.00 Меҳмонларни меҳмонхоналарга жойлаштириш
- 16.00-18.00 Халқаро олимпиадани очилиш маросимини утказиш
- 18.00 Меҳмонхонага қайтиш

## **УЧИНЧИ КУН**

- 
- 
- 07.00-08.00 - Меҳмонхонада нонушта
- 08.00-09.00 - Халқаро олимпиада утказиладиган жойга бориш
- 09.00-12.00 - Халқаро олимпиада жараёни (1-тур)
- 12.00-13.00 - Тушлик
- 14.00-16.00 Маданий-маърифий тадбир
- 18.00 Меҳмонхонага қайтиш

## **ТУРТИНЧИ КУН**

- 
- 
- 07.00-08.00 - Меҳмонхонада нонушта
- 08.00-09.00 - Халқаро олимпиада утказиладиган жойга бориш
- 09.00-11.00 - Халқаро олимпиада жараёни (2-тур)
- 12.00-13.00 - Тушлик
- 14.00-16.00 - Куқон шаҳрига саёҳат
- 14.00-16.00 Координация (Баҳолаш). Хайъат аъзолари учун
- 18.00 Меҳмонхонага қайтиш

## **БЕШИНЧИ КУН**

- 
- 
- 07.00-08.00 - Меҳмонхонада нонушта
- 09.00-12.00 - Координация (Баҳолаш)
- 12.00-13.00 - Тушлик
- 13.00-16.00 - Халқаро олимпиаданинг ёпилиш маросими
- 16.00-18.00 Банкет
- 18.00 Меҳмонхонага қайтиш

Тушлик

Х

а

л

ц

а

р

о

о

л

и

м

п

и

а

д

а

н

и

н

г

ё

п

и

л

и

ш

м

а

р

о

с

и

м

и

Б

а

н

к

е

т

Медмонхонага цайтиш

## ОЛТИНЧИ КУН

- 07.00-08.00 - Медмонхонада нонушта
- 08.00-09.00 - Маргилон Темир йул вокзалидан олимпиада иштирокчиларини Тошкент шаҳрига кузатиш
- 09.00-13.00 13.00 Тошкент шаҳрида кутиб олиш
- 13.00-14.00 - Медмонхонага жойлаштириш ва тушлик
- 14.00 - Олимпиада иштирокчиларини Тошкент халқро аэропортидан кузатиш